

Андижон вилояти ҳокими Шухратбек Қўшақбоевич Абдурахмоновнинг 2014 йил
1 июнь куни Олтинкўл тумани маданият ва истироҳат
боғи очилиши маросимида сўзлаган
табрик нутқи

**Ассалому алайкум, азиз ҳамюртлар,
Минҳожиддин Мирзажонович, ҳурматли
олтинкўлликлар!**

Бугун жуда катта бир мамнуният билан туман ҳокими атрофига жипслашган барча олтинкўлликларнинг ҳудудда аҳоли ва айниқса, ёшларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари, дам олиб, бўш вақтларини сермазмун ўтказишлари учун туман марказида мана шундай ажойиб дам олиш масканини яратганининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Авваламбор бугунги тадбирнинг барча иштирокчилари ҳузурида шундай бир ажойиб, гўзал, бу ҳудудга ташриф буюрган ҳар қандай инсоннинг қалбига эзгулик, ёшариш, яратувчилик ва мана шундай ҳаётдан қониқиш туйғуларини бахш этувчи маданият ва истироҳат боғини қайта яратган, бундан кейин ҳам унинг оромбахш гўшаларига янада улкан гўзаллик ва осойишталик кўринишларини бахш этишни юрагига тугиб кўйган барча фидойи инсонларни юртимизнинг ҳақиқий ватанпарварлари, деб айтишга руҳсат берасизлар.

Бундай гўзалликни - Олтинкўл тумани ҳалқи ва айниқса, ёшлари учун яратилган дам олиш оромгоҳини бунёд этган кишилар биринчи навбатда мамлакатимизда мустақилликни мустаҳкамлаш, Муҳтарам Президентимиз айтганларидек, Ўзбекистонни юксак ривожланган давлатлар қаторига ўтказиш йўлида ҳақиқий фидойилик намуналарини кўрсата олувчи инсонлар, деб айтишга лойиқ фуқаролардир.

Ушбу маскан очилишидан аввал уни тегишли мутасаддилар билан синчиклаб, бир бора айланиб чиқдик. Бу шунга далолат бердики, Олтинкўл тумани ҳокими раҳбарлигидаги фаоллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида” 2010 йил 29 декабрдаги 322-сонли қарори ижросини таъминлашда тўғри йўл танлаганлар. Бунга бугун маданият ва истироҳат боғига ташриф буюрган ҳар бир инсон кўриб, бевосита гувоҳ бўлиши мумкин.

Бу гўша Қўрғонтепа, Асака, Избоскан туманлари ва Андижон шаҳрида қайта таъмирланган маданият ва истироҳат боғлари сафидаги энг яхшиларидан бири дейишга лойиқ маскан, десам, хато қилмаган бўламан. Яна бир бор унинг яратувчилари ва ҳомийларига ўз номидан алоҳида миннатдорчилик билдираман.

Азизлар!

Бир сўз билан айтганда Олтинкўлда барча соҳаларда қатор муайян ютуқлар қўлга киритилаётганининг гувоҳи бўляпмиз. Бу муваффақиятлар барчангизни янада янги ютуқларга руҳлантиради, деб ўйлайман. Бутун жаҳон болаларни ҳимоя қилиш кунига армуғон этилган бу гўша ҳаммамизга муборак бўлсин.

Эътиборингиз учун раҳмат!